

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ ВА УНИНГ ХАФСИЗЛИГИН АСРАШ ОРҚАЛИ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Тангиркулов Элмурод Алиярович

Термиз давлат университети “Бошланғич таълим методикаси”

кафедраси ўқитувчиси.

EImurod TangIrqulov tangIrquLove@mail.com.

Телефон: 99-660-86-44

Аннотация: Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳит ва унинг хафсизлигини асраш орқали экологик тарбия бериш ҳақида сўз юритиш билан бирга Она сайёра муҳитида бўлғаетган экологик хавф, атроф-муҳитнинг бузилиши, мазкур жараёнда инсон келтирган зарар инobatга олинган бўлиб, инсон ҳаётининг барқарорлигини тушунтириш ва ўргатиш кўзда тутилади.

Калит сўзлар: экологик инқироз, атроф-муҳит, экологик тарбия, коинот ва биосфера, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий муҳофаза, табиат ва инсон, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси.

Мақоланинг **кириш қисмида** жаҳон илм-фанида экологик муаммолар глобал муаммога айланди. Шу боис, нафақат бир-иккита давлат, балки бизни ўраб турган дунё мувозанати ҳақида ўйлаётган кўплаб давлатлар ҳам ушбу муаммони ҳал қилишга эътибор қаратмоқда. Бугун дунё бўйлаб кенг тарқалаётган экологик инқироз ва муаммолар табиатга тўғри муносабатда бўлишни, унга эътиборни кучайтириш зарурлигини билдиради. Хусусан, бу муаммони ҳал этиш Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Дунё халқлари тараққиётининг ҳозирги босқичида инсоният учун зарур бўлган экологик муаммоларни ҳал этиш дастлаб бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳит ва унинг хафсизлигини асраш орқали экологик тарбия бериш механизмларини такомиллаштириш масаласи тобора долзарб муаммога айланмоқда. Она сайёра муҳитини булғаетган экологик хавф, “Табиат-жамият-инсон” муносабатларининг бузилиши ер юзидаги барча халқларни бу ҳақда чуқурроқ ўйлашга мажбур этмоқда. Шу жиҳатдан олганда, бугунги кунда ҳар бир ўқувчининг атроф-муҳит ва унинг хафсизлигини асраш орқали экологик тарбия бериш ва маданиятини юксалтириб бориш давр талаби ҳисобланади. Ўқувчиларида атроф-муҳитни асраш орқали экологик тарбия бериш механизмларини такомиллаштириш глобал экологик муаммолардан бири сифатида ўрганилмоқда, унинг мазмун-моҳиятига таҳлилий ёндашиш, ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш ҳамда илмий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мақоланинг назарий жараёнларига эътибор берар эканмиз, экологик муаммолар, умуман, инсон ҳаётининг ҳамма соҳаларини қамраб олувчи мураккаб, ҳар томонлама тавсифга эга бўлганлиги сабабли уларни чуқур илмий асосда тизимли равишда ҳал этиш зарур. Мазкур йўналишда белгиланган вазифа ўз самарасини ифодалашини учун аввалам бор, “экология”, “атроф-муҳит”, “маданият”, “экологик хавфсизлик” каби тушунчалар мазмун-моҳияти негизига назар қаратмоқ зарур.

Экология сўзи юнонча oikos – “ватан, уй” ва logos – “фан, таълим” сўзларидан олинган бўлиб, тирик организмларнинг бир-бири ва атроф-муҳит билан ўзаро таъсирини, шунингдек, коинот ва биосферадаги организмлар ўртасидаги муносабатларни ўрганадиган фан ҳисобланади. Бу атама немис биологи Эрнест Геккел (1834-1919) томонидан 1866-1869 йилда фанга киритилган янги терминдир. Экологик онг, атроф-муҳитни асраш орқали экологик тарбия бериш экологик маданиятнинг содда меъёрлари қадимдан мавжуд бўлиб, тарихий ёзма манбаларда, масалан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да, буддизм, христиан, ислом ва бошқа динлар манбаларида, шу билан бир қаторда, Шарқ уйғониш даврининг етук мутафаккирлари ҳисобланган Абу Наср Форобий (“Китоб ал-мабоди ал-инсония”); Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (“Китоб сурат ал-арз” “Ернинг сурати” ёки “География”); Абу Райҳон Беруний (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”); ибн Сино (“Ақлий илмлар таснифи”) ва ўрта асрларда Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи Сайёр” каби асарларида инсон руҳияти наботот олами билан боғлиқ маълумотлар келтирилганлигини кўришимиз мумкин

Бугунги кунга жамиятга кириб келаётган ёш авлодга атроф-муҳитни асраш орқали экологик тарбия бериш ҳаётининг масалалардан бири бўлиб, соф биологик фанлар тизимидан бири бўлиб, мазмунан тобора кенгайиб бормоқда. Бу ҳолат замонавий фан-техника тараққиётининг атроф-муҳитга салбий таъсири билан изоҳланади. Ҳатто экологик муаммоларнинг глобаллашуви фанда “Инсон экология”си деган атаманинг қўлланилишига сабаб бўлмоқда.

Дунё мамлакатлари Швейцария, Исландия, АҚШ, Япония, Жанубий Корея давлатларидаги етакчи илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида экологик таълим-тарбияни ривожлантириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида кадрлар тайёрлашнинг илмий-назарий асосларини қайтадан кўриб чиқишга доир кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Натижада, кўплаб ривожланган давлатларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий муҳофаза ва барқарор ривожланишнинг барча йўналишларида экологик маданият тамойиллари жорий этилмоқда.

Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳит ва унинг хавфсизлигин асраш орқали экологик тарбия бериш механизмларини такомиллаштиришда дастлабки маълумотларни “Экология” мазмунидаги атроф-муҳитнинг бузилиши, мазкур жараёнда инсон келтирган зарар инобатга олинган бўлса, сўнгги йилларда “барқарор ривожланиш”да инсон ҳаётининг барқарорлигини тушунтириш ва ўргатиш кўзда тутилади. Дунё халқлари тараққиётининг ҳозирги босқичида инсоният учун экологик хавфсиз маконда яшаш масаласи тобора долзарб муаммога айланиб бораётган айни вақтда она-Заминимиз муҳитини булғаетган экологик хавф, “табиат-жамият-инсон” муносабатларининг бузилиши барчамизни бу ҳақда чуқурроқ ўйлашга мажбур этмоқда.

Жаҳон илм-фани интеграциялашуви ва **амалий жараёнларда** кенг қўлланиладиган ўқувчиларида атроф-муҳит ва унинг хавфсизлигин асраш орқали экологик тарбия беришни барқарорлаштириш борасида тажрибалар алмашинуви яхши имконини бермоқда. Жумладан, АҚШда экологиянинг турли муаммоларига бағишланган таълим марказлари фаолият олиб бориб, ҳар йили ўнлаб монографик асарлар нашр қилинади, глобал миқёсда ҳам атроф-муҳит асраш орқали экологик тарбия беришни муносабатларни келажак авлодга ўргатиш бош масала сифатида тан олинмоқда. У хавфсизликни инсон хавфсизлиги деб талқин қилади ва бу борада атроф-муҳит асраш орқали экологик тарбия бериш муҳим манбаи сифатида қаратилади.

Инсон ва атроф-муҳит хавфсизлигига ҳақида ташвишланиб, атроф-муҳит захираларининг инсоният цивилизациясини қўллаб-қувватлаш қобилияти ҳақида кенг тарқалган ташвиш тўлқини кузатилди, “барқарор ривожланиш”, “барқарор ўсиш” ёки шунчаки “барқарорлик” масалалари глобал муаммога айланди. Бу инсоннинг ижтимоий ва атроф-муҳит хулқ-атворини қўзғатувчи баъзи кучлар қанчалик чуқур эканлигини кўрсатади ва бизни уни қанчалик ўзгартириш мумкинлиги ҳамда ўзгариши кераклиги тўғрисида реал қарашга мажбур қилади ва ташвишланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов экологик хавфсизлик муаммосига оид қуйидаги мулоҳазаларни билдирган: “Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади”.

Инсоният дунёнинг ҳамма бурчагида ўз турмуш тарзини енгиллатиш ва яхшилаш учун, табиатдан имкон қадар кўп нарсани юлиб олишга ҳаракат қилмоқда. Қизиғи шундаки, одамлар табиатни поймол қилади, аммо атмосферанинг мусаффо, оқар сувларининг тоза бўлишини, узоқ яшашни орзу қилади. Аслида эса атроф-муҳитни ифлослантириб, ўз хоҳишига ва орзусига зид

ҳаракат қилаётганини ўйламайди ҳам секин-аста иқтисодий ривожланишнинг биологик қурбонига айланишини эса фаҳмламайди. Бундай ҳолатдан ўзини асрашни бошланғич синф ўқувчиларидан бошлаб атроф-муҳит асраш орқали экологик тарбия бериш яхши натижа беради.

Экология бузилиши, атмосфера ифлосланиши сабабли нафас олиш йўли, ўпка билан боғлиқ касалликлар ривожланмоқда. Океан ва денгизларга инсоннинг узлуксиз аралашини у ердаги тирик организмларнинг ёппасига қирилиб кетишига сабаб болмоқда. Сувга кимёвий моддалар ташланиши, катта танкерлар ҳалокати оқибатида нефть ва бошқа моддалар тўкилиши сувдаги барча организмларнинг бир зумда ҳалок бўлиши натижасида сувлар ўлик сувга айланади. Экологик маданият масаласи дастлаб экологик тарбия тушунчаси билан узвий боғлиқ. Зотан, кишиларда экологик билимларнинг етишмаслиги асрлар оша инсоният хавфсизлигига жиддий тажовузларни келтириб чиқарди. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бу масалага давлат даражасида эътибор қаратилиб, кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлагани каби, “Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсидаги ижтимоий муаммоларидан бири. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқ”

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик-2030” иккинчи халқаро Саммитида сўзлаган нутқида: “Она-Ватанимизни равнақ топтириш, юртимизда илмий муҳитни юксалтириш, айниқса, ёшларда илму фанга интилишни кучайтириш, илмий-техникавий, инновацион соҳаларни янада тараққий эттириш учун келажакда ҳали кўплаб эзгу ишни амалга оширамиз” [19] деган ижобий мулоҳазалари нечоғлик ҳаққонийлигини кўрсатмоқда. Зеро, ушбу фикрлардан келиб чиқиб, бошланғич таълим тизимида фанлараро интеграциялашган ёндашув асосида ўқитиш механизмларини яратиш, илмий билимларни кундалик ҳаётда қўллаш қобилиятини ошириш, кичик ёшдаги ўқувчиларни табиий фанлар саводхонлигини шакллантиришга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Табиат муҳофазаси ва экологик мувозанатни сақлаш, ер, сув, ер усти бойликлари - ўрмон, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, шифобахш ўсимликлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда жиддий камчиликлар мавжуд. Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларда жиддий ўзгаришлар, инсонни табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилиши, “мувозанат барқарорлиги” концепциясининг муомаладан чиқиб кетиши оқибатида сайёрамизда инқирозли ҳолатнинг келиб чиқиши ҳамда жаҳон цивилизациясига

бўлган тахдид борган сари ортиб бормоқда. Бугунги кунда “экологик таълим” ва “экологик маданият” ер юзидаги цивилизацияни сақлаб қолиши механизмларни ишлаб чиқиш мумкин бўлган омиллардан биридир. Бу эса, экологик инқироз муаммосига “экологик таълим”ни сафарбар этиш, давлат ва жамиятнинг мазкур соҳадаги қонунчилик лойиҳаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда инсоният манфаатларига мувофиқлаштиришни тақозо қилади.

Демак, глобал экологик муаммолар шароитида одамларга табиатни ҳимоя қилишни болалиқдан ўргатиш керак, чунки атроф-муҳит билан боғлиқ кўплаб қийинчиликлар ҳеч бир инсонни четлаб ўтмайди. Қабих кимсаларнинг қилган мудҳиш хатоси туфайли содир бўлаётган экологик фалокат ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, глобал иссиқ, маиший чиқиндиларнинг табиатга чиқарилиши, кислотали ёмғир ва иссиқхона эффекти, ўрмонларнинг йўқ бўлиб кетиши муаммосини англаш учун экологик хавфсизлик маданиятини шакллантириш ва “замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак” .

Содир бўлаётган глобал иссиқ ва унга ҳамроҳ климатологик ўзгаришларнинг яқин келажакда жиддий салбий экологик оқибатларга олиб келиш эҳтимоли мавжуд. Иссиқ даврлар сони ошиб бориши сув захиралари шаклланиши цикллари ўзгартирмоқда, экстремал об-ҳаво ҳодисалари, узоқроқ давом этадиган қурғоқчилик ва кучли ёғингарчиликка олиб келмоқда, экотизимларда сув оқимининг табиий мўътадил бошқарилишида омил бўлган музлик ва қор захираларига ҳарорат ошишининг салбий таъсиридан вайронагарчиликлар содир бўлиши кутилмоқда.

Бошланғич таълим ўқувчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур бўлган саводхонлик, билим, малака ва кўникмалар асосларини шакллантиришга қаратилган [3]. Экологик хавфсизлик маданиятни узлуксиз таълимнинг барча бўғинида узвийликда олиб бориш зарур. Зеро, бошланғич синф ўқувчилари ёшига мос равишда хавфсиз атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ вазифаларни бажаради, жумладан, инсон саломатлиги учун муҳим бўлган ичимлик суви ва бошқа табиий захиралардан оқилона фойдаланишга оид билим, кўникма, малака, компетенциялар дарс ва дарсдан ташқари ўқитиш жараёнида такомиллашади, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини пасайтириш имконини берувчи экологик тоза технологияларни амалиётда қўллаш имкониятлари ўргатилади [56: 62].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, экологик муаммоларни ҳал этишда тежамкор, экологик тоза технологияларни жорий этиш, ўқувчида экологик маданиятни юксалтириш, атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, табиат неъматларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш антропоген

таъсирларнинг олдини олишда асосий омиллардан бўлиб, бунда экологик таълимнинг аҳамияти бекиёс, чунки, табиат инъомларидан омилкорона фойдаланиш орқали атроф-муҳит ва ижтимоий ҳаёт уйғунлигини таъминлаш асосида барқарорликни сақлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Фойдаланадиган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”. –Б. 387
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик-2030” (P4G) иккинчи халқаро саммитидаги нутқи.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” [ПҚ-76-сон қарори.ПҚ-76-сон 30.12.2021. \(lex.uz\)](#).
4. Экологик маданият - ҳаммамизнинг ишимиз ва инсоний бурчимиздир. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва худудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича 2022 йилдаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишиги нутқи. Халқ сўзи газетаси. 2022 йил 3 февраль № 25 (8087).
5. Каримов И.А.. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Тошкент.: “Ўзбекистон”. 1997. -Б. 110.
6. Авазов Ш. Мактабда экологик тарбия. - Т.: Ўқитувчи. 1992. - 62 б.
7. Айдаров Э.Б. Ўқувчиларни атроф-муҳитни асраш орқали экологик тарбия бериш.-Т.: Пm-ziyo. 2014.- 231б.
8. Зверев И.Д. Экология в школьном образовании. - М.: Знание, 1988. – 96.
9. Исакулова Н.Ж. Бошларғич синф ўқувчиларида экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари. Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган ДИССЕРТАЦИЯ. - Т., 2006. - 186 б
10. Турдикулов Э.А. Экологические образование и воспитание учащихся. -Т.: Ўқитувчи, 1991. -192 с.
11. Худайкулов Х.Ж. Сув ҳаёт манбаи. “Бошланғич таълим” журнали. -Т.: 2004.-28-29-б.